





АҲОЛИ ВА
ҚИШЛОҚ ХО'ЖАЛИГИНИ
РО'ЙХАТГА ОЛИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг

2020 йил аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бутунжаҳон дастури тўғрисидаги резолюцияси

2015 йил 10 июнь

2

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”

2020 йил 16 мартдаги ЎРҚ – 611-сон қонун

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

“Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”

2025 йил 19 сентябрдаги ПФ-173-сон

4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори

“Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”

2025 йил 7 октябрдаги 629-сон қарор

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТАВСИЯЛАРИ



БМТ Европа статистиклар конференциясининг
2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича тавсиялари



БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг
Бутунжаҳон қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш
2020 йил раунди учун дастури



Ўзбекистон Республикаси

ҚОНУНИ

“Аҳолини рўйхатга олиш
тўғрисида”

2020 йил 16 мартдаги

611-сон

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолини рўйхатга олиш
соҳасидаги муносабатларни **тартибга солиш**

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун таркиби

I Боб	II Боб	III Боб	IV Боб	V Боб
Умумий қоидалар	Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини тартибга солиш	Респондент- ларнинг ҳамда рўйхатга олувчи ходимлар- нинг ҳуқуқ ва мажбурият- лари	Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш	Яқунловчи қоидалар
11 та модда	7 та модда	2 та модда	6 та модда	5 та модда

19
моддаРЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Шахсий маълумотлар **қай мақсадда йиғилаётганини билиш**, ўз маълумотларининг **тўғрилигини текшириш**, рўйхатга олувчидан **гувоҳнома талаб қилиш** ва рад этилганда саволларга жавоб бермаслик ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, респондент ишончли маълумот бериш ва **АРОга монелик қилмаслиги шарт**.

19
моддаРЎЙХАТГА ОЛУВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Респондентдан маълумот олиш ва **меҳнати учун ҳақ олиш** ҳуқуқига эга. **Гувоҳномасини кўрсатиши**, ишни сифатли ва ўз вақтида бажариши, саволларнинг **мазмунини бузмаслиги** ҳамда жамланган маълумотларнинг **махфийлигини таъминлаши** шарт.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

7
модда

ДАВРИЙЛИК ПРИНЦИПИ:

Аҳолини рўйхатга олиш **ҳар ўн йилда** камида бир марта ўтказилади. Унинг **санаси** ва **муддати Президент қарори** билан белгиланади. Таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан мўлжалланган санадан камида **3 йил олдин** киритилади.

8
моддаУМУМИЙЛИК ВА
БИР ПАЙТДАЛИК

АРОни ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш ЎзРнинг бутун ҳудудида ёки унинг муаян ҳудудларида **бир пайтнинг ўзида амалга оширилади.**

9
моддаРЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ЯККА
ТАРТИБДАГИ ПРИНЦИПИ

Шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун **якка тартибда тўлдирилади.**

10
моддаШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИНГ
МАХФИЙЛИГИ ПРИНЦИПИ

АРОнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, **респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди** ва тарқатилмайди

11
моддаРЎЙХАТГА ОЛИШНИ БОШҚАРИШНИНГ
МАРКАЗЛАШТИРИЛГАНЛИГИ ПРИНЦИПИ

Ўзбекистон Республикасида бўйича АРОга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш АРОни ягона бошқарув тизимини яратиш асосида **марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.**

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси **Миллий статистика қўмитаси** аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги **махсус ваколатли** давлат органидир.

15-модда

Вазирликларнинг ва идораларнинг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиши

Аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш учун масъул бўлган **вазирликлар ва идоралар** махсус ваколатли давлат органига аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги вазифаларни бажариш **юзасидан қўмаклашади**.

17-модда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

“Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”

Фармон 4-илоvasи билан Рўйхатга олиш тадбири доирасида вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини ҳудуд, туман ва шаҳарларга бириктирилган:

Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳрига

- 14 та

туман (шаҳар)ларга

- 208 та

**23
модда****ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ
ЙИҒИШ ТАРТИБИ**

Маълумотлар респондент **яшайдиган манзилда** ёки **махсус ажратилган жойларда** сўров ўтказиш орқали йиғилади. Жараёнда **қоғоз шакли** ёки **АКТ воситалари** қўлланиши мумкин. Жавоб беришдан **бош тортилса**, маълумотлар **маҳалла ёки маҳаллий давлат ҳокимияти** органларидаги маълумотлари асосида киритилади. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ёпиқ ҳудудларда яшаётган оила аъзолари ҳақидаги маълумотни ҳарбий қисм командири ёки унинг вакили тўплайди.

Интернат, ижтимоий ва диний муассасалар, шифохоналар, реабилитация марказлари, қамоқхона ва махсус муассасалардаги респондентлар маълумотини ушбу муассаса маъмурияти тўплайди. **Чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ходимлари** ва уларнинг оилалари, шунингдек халқаро шартномаларга мувофиқ дипломатик иммунитетга эга шахслар рўйхатга олинмайди.

**ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШДА
ҚУЙИДАГИЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ**

Аҳолининг айрим тоифалари бўйича шахсга доир маълумотларни тўплаш, рўйхатга олиш саволнома шакллари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларини тўлдириш Ўзбекистон Республикасининг **«Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасига** мувофиқ амалга оширилади (**4-банд**);

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий риоя этилади (**10-банд**);

Рўйхатга олувчи ходимлар таркибига кирувчи шахслар шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилади (**39-банд**);

Жорий йилнинг 2025 йил 1 декабрига қадар Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилади **ВМнинг 4-илова 1-банди**.

Рўйхатга олиш тадбирини
ўтказиш вақти

2026 йил
15 январь - 28 февраль

- Аҳоли ва чорва кам ҳаракатланадиган вақт
- Ташкилий имкониятлар
- Мавсумий омиллар
- Халқаро стандартларга мос келиши

Аҳоли ва қишлоқ
хўжалигини рўйхатга
олиш тадбирини
ўтказишни
ташкил этиш бўйича
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси

- **А.Н. Арипов**

комиссия аъзолари сони
вазирлик ва идоралар раҳбарлари

- **34 нафар**

Комиссияси ишчи органи

- **Миллий статистика
қўмитаси**

Республика комиссияси вазифалари

- Рўйхатга олишга тайёргарлик ва ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни таъминлайди
- Дастлабки ва якуний натижаларини эълон қилиш масалаларини кўриб чиқади
- Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади

Аҳоли ва қишлоқ
хўжалигини рўйхатга
олиш тадбирини
ўтказишни
ташкил этиш бўйича
ХУДУДИЙ КОМИССИЯЛАР

Комиссия раиси -

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши
вилоятлар ва Тошкент шаҳри
ҳокимлари

аъзолар сони -
вазирлик ва идоралар
ҳудудий бўлинмалари

25 нафар

Ҳудудий комиссиялар вазифалари

- Маҳаллалар бўйича хонадон кесимида аҳоли сони маълумотини тўплайди
- Рўйхатга олишнинг ташкилий режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди
- Рўйхатга олувчи ходимларни ўқитишни ташкил этади

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ